



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун азгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойининг иккинчи ҳафтисида ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган азгу ғоялар, динимиз арконларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёлариимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 11 май

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ «МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ «МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Олмалик ТМК» АЖ, «Навоий КМК» ДК, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг (Россия Федерацияси) Олмалиқ шаҳрида (Тошкент вилояти) Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

2. Куйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республиканинг ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

металлургия, кончиллик иши ва саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

муҳтақассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фаннинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжиҳатига мажбурий интеграция ҳисобига ривожлантириш;

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Давоми 3-бетда. ►

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, УЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ихтисослаштирилган, шошилинч ва тез тиббий ёрдамни, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Эришилган ижобий натижаларга қарамай, аллергия касалликлари ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда профилактика қилиш соҳасида жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

**Биринчидан**, аллергиянинг фундаментал ва амалий асослари амалий тиббётдан ажралган ҳолда ривожланиши принциплар янги, молекуллар даражада аллергия касалликлари ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини амалиётга кенг жорий этишга ҳамда қўллашга етарлича эътибор қаратиш имконини бермапти;

**Иккинчидан**, тиббиёт муассасаларини даволаш-диагностика аллергиялари билан таъминлашдаги камчиликлар тиббиёт амалиётида антибиотиклар, антигистамин ва гормонлар

дори воситаларининг асоссиз равишда кенг қўлланилишига олиб келмоқда;

**Учинчидан**, жойларда аллергия касалликлари билан касал ва касаланиш олдидан олиш, ихтисослашган аллергиялогик ёрдамни таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилмаётти, оқибатда беморлар вилоят марказларида ва республиканинг пойтахтида даволалишига мажбур бўлмоқдалар;

**Тўртинчидан**, мазкур соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермайди, бунинг оқибатида тиббиёт муассасаларини малакали врач-аллерголог ва иммунологлар билан тўлдириш қўйқарсиз аҳволда қолмоқда;

**Бешинчидан**, ахборот тўллаш, таҳлил қилиш ва алмашиш, ишончли статистик ҳисобот юритишнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган, аллергиялогик ёрдам қўрсатиш соҳасида тиббиёт муассасаларининг ихтисослашган бўлимларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ягона тизим мавжуд эмас;

Давоми 3-бетда. ►



## Тошкентдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, қувончга тўлиб, яшариб қайтдик

9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги «Ботаника» боғида ўтган байрам тантанасида қатнашган уруш ва меҳнат фахрийларининг қувончини ҳеч нарсга билан ўлаб, сўз билан таърифлаб бўлмайди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган уруш қатнашчиларининг қувончлари чексиз. Улар Тошкентдан уйларига қайтишгач, жойлардаги мухбирларимизга дил сўзларини баён этишди.

**Абдусалом РАҲМОНОВ,**

**Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси,**

**Наманган туманидаги Хонобод қишлоғидан:**

— Тошкентда ўтказилган Хотира ва қадрлаш кuni байрамида 22 нафар наманганлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирок этдик. Айниқса, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар биримиз билан алоҳида ҳол-аҳвол сўрашганидан, бизни диққат билан тинглаганидан биз «фронтовий»ларнинг бошимиз осмонга етди.

Байрам маросими шу қадар юксак савияда эдики, барчамиз бир зумнинг ўсида навқирон йигитлик палларимиз кечган ўтмиш жангҳоқлариди лажзалири эсладик...

Ҳарбий мундирдаги курсант қизларнинг илтифотлари, кучогимизни тўлдирган ранго-ранг гуллар, атрофдан таралаётган куй-қўшиқлардан қўларимиз қувонч ёшларига тўлди.

Эртанга «очил дастурхон» теварағида етмиш икки томиримизга сингиб кетган Ҳарбий суҳандон Юрий Левитанинг руҳбахш, ўқтам овози садоси

жисимизга янгитдан навқиронлик бағишлади.

Одамнинг боши тошдан, деганларча бор экан. Номинг ўқур уруш сабабли не-не азоб-уқубатларни кечирмадик, дейсиз. Кунимиздан бор экан, шундоқ дориларимон кунларни кўриш насиб этди.

18 ёшга тўлган йигит эдим. Мактабда яхши ўқиганим учун ўзим савод чиқарган 27-мактабга ўқитувчи қилиб ишга олишганди. 1942 йилнинг кузида Горький шаҳридаги 205-ўқчи полкка келтиришди. Бир ярим ойлар чамаси бизни махсус тайёргарликдан ўтказишди. Москвага алоҳида топшириқларни бажарувчи дивизияга юборилдим. Грозний Чебоксари шаҳарларида бўлдим. Москва, Сталинград муҳофазаси жангларида қатнашдим.

1947 йилда ота-онам билан дийдорлашиб, уларни тирик эканимга ишонтариш учун қишлоққа келиб кетишимга рухсат беришди.

Ҳалабага эришилган бўлишига қарамай, қуролдошларимнинг ақсариёти хизматни давом эттиратган Ҳарбий полкмига қайтишга бурчли эдим. Полкка қайтгач, Япон урушида ҳам қатнашдим.

Мўғулистон, Манчжурия ва Кореяга юборилдим. Харбин, Хедзо, Мунтян шаҳарларини озод қилишда иштирок этдим.

Кейин Владивостокка келиб хизматни давом эттирдим. Шу тариқа она қишлоғим Хонободга 1949 йилда қайтиб келдим. Севимли касбим учун жонажон мактабимда ўқитувчиликни давом эттирдим.

Менинг ёшим 95 га етди. Етмишга кирганимда ҳам мактабимдан оёғимни узмадим. Саккиз нафар фарзандимни ўқитувчилик касби билан воёга етказдим. Бугун уларнинг бари ўқиган, ишли, уй-жойли. Муҳандис, қурувчи, тадбиркор. Менинг изимдан ўқитувчилик касбини танлаган ўғлим Абдулбоки фан номзоди — олим.

Йил ўн икки ой уйимдан табриқловчилар қадми узилмайдилар. Совға устига совға, меҳр устига меҳр, олам-олам иззату ҳурмат.

Киши бир лаҳзада ҳам минг яшнаб, минг яшариш мумкин экан. Тошкентдаги байрам тантанасида шуларни ҳис қилдим. Буларнинг барчаси учун Президентимизга минг раҳмат!



**Турсункул ЭРҒАШЕВ,**  
**Иккинчи жаҳон уруши**  
**қатнашчиси,**  
**Нурота туманидан:**

яшаш шароитини сўраган, одамларнинг яшаш шароити билан қизиққан эди. Бу сафар ҳам Президентимиз билан кўришиб, суҳбатлашиб бахтига муяссар бўлдим.

Бундан 73 йил аввал тенқурларим қатори урушга борганман. Унинг даҳшатлари ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетган эмас. Душман билан бўлган жангларда қанча-қанча дўстларимиз ноубуд бўлди. Кўпчилигининг пешонасига ногиронлик қисмати битилди.

1944 йили мина парчаси чап билагимнинг ярмини юлиб кетди. Кўп қон йўқотдим, дала госпитали жойлашган қишлоқ аҳолиси менга қон берди, оёққа тургунимга ҳолимдан хабар олишди. Фронддан қайтиб, она-қишлоғимда эллик йил болаларга тарих фанидан дарс бердим. Фарзандларимни олий маълумотли, жамиятга нафи тегадиган қилиб тарбияладим.

Байрам тантаналарида уруш йилларини эслатувчи қуй ва мусиқалар янграгани, Ҳарбий техникалар намойиш этилгани, ёшлар Ҳарбий кийимларда юрганини кўриб, фронддаги воқеаларни эсладик. Ҳаммамиз ҳам ҳаяжонга тушиб, қўларимизга ёш келди. Қўрсатилган эътибор ва рағбатдан бошимиз кўкка етди. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин.



**Режеп ҚУРБАНМЕДОВ,**  
**Иккинчи жаҳон уруши**  
**қатнашчиси, Қорақалпоғистон**  
**Республикаси Тахиятош**  
**туманидан:**

— Энди Тошкент дегани жуда ўзгариб кетибди. Вой-буй, бу осмонлар бинолар, бу ободгарчиликларни умрим бина бўлиб, ҳеч ерда кўрганим йўқ. Ёшим 90 да, чарчаб қоламан-ов, дедим, йўқ, жудаям ҳурмат-иззатимизни жойига қўйишди. Бизни мошинида олиб юришди. Ётоқ жойларида ҳам ҳамма нарсани муҳайё қилиб беришди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг айтган гапларини эшитдингизми... Меҳр билан гапирди, бизни жуда ҳурматлаб гапирди, Ҳарбий кийимдаги ёш йигит-қизлар бизни рақсга таклиф қилишди. Уларни кўриб ёшлигим эсимга тушди, фронддаги дўстларимни эсладим. Қайта-қайта кўзимга ёш келди... Уруш

йилларида айtilган қўшиқларимизни эшитиб, жуда ҳаяжонландим.

Мен 1943 йилда хизматга қақирлиб, Днепрни душманлардан озод қилиш пайтида оёғимдан жароҳат олганман. Ўша жанг майдонида ҳалок бўлган қандайдан-қанча қуролдош дўстларимни ҳеч қачон унутмайман.

Япон урушида қатнашганман, 1950 йилда қадрдон қишлоғимга қайтиб келдим.

Урушдан қайтгач халқ ҳўжалигини тиклашда қатнашдим. 1984 йилгача тракторчилар бригадасини бошқардим. Биз уруш қатнашчиларига давлатимиз томонидан катта эътибор қўрсатиб келинмоқда. Ўтган йили Тахиятош шаҳридан менга уй совға қилинган эди. Бу йил, қаранг, Давлатимиз раҳбари томонидан 5 миллион сўм пул, тилла соат совға қилинди. Табрик мактуби ҳам олдик. Бунинг устига бизни Тошкентга — байрамга таклиф қилишди. Президент ҳар биримиз билан кўчоқ очиб сўрашди. Бу кунлар ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Тўғриси айтсам, бунчалик эътибор, қадрлаш умримизга умр қўшади, бизга куч-қувват беради.

Мен ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан ҳисоблайман. Ёшлигимнинг энг гуллаган йилларини урушнинг қонли майдонларида ўтказган бўлсам, бунинг ҳаммаси Ватан учун, келажак учун эди. Оллоҳга беҳисоб шукр, менга мана шундай ёруғ кунларни қўриш насиб этди. Ўн нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказдим, 45 невага, 75 эварам бор, бундан ортик бахт борми!

Бизни улуғлаганини Яратган ўзи кам қилмасин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ «МИЛЛИЙ  
ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ «МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ  
ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш-саноат фаолияти билан узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фасол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳам-жамиятлари билан узоқ мuddатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг (кейинги ўринларда — «МИСиС» МТТУ) алоҳида таркибий бўлими маси ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, таълимнинг келишилган асосий йўналиш (мутахассислик)лари бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда «МИСиС» МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларнинг аттестацияси «МИСиС» МТТУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган талаблар, тартиб ва мuddатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган «МИСиС» МТТУнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

4. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналиш(мутахассислик)лари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Филиалга текин фойдаланиш учун:

Навоий давлат кончилик институтининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй манзилда жойлашган биноси;

2017/2018 ўқув йили якуни бўйича фаолиятни тугатилаётган Олмалиқ саноат касб-хунар коллежининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри,

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

Амир Темур кўчасида жойлашган биноси берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

«МИСиС» МТТУ ва «Олмалиқ ТМК» АЖ билан биргаликда бир ой мuddатда ўрнатилган тартибда Филиал таъсис ҳужжатларининг ишлаб чиқиши, келишилиши ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бир ой мuddатда «МИСиС» МТТУ билан Филиалнинг ташкилий тузилмасини келишин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминласин.

7. Филиалга 2018/2019 ўқув йили учун таълимнинг кундузги шакли бўйича қабул квотаси жами 150 киши, жумладан, бакалавриятнинг «Кончилик иши» таълим йўналиши бўйича 75 киши, «Металлургия» таълим йўналиши бўйича 50 киши, «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)» таълим йўналиши бўйича 25 киши этиб белгилансин.

8. «МИСиС» МТТУ:

ўқув жараёнига илгор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга;

мутахассисларнинг малакасини оширишга ва Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлашга;

Филиалнинг кутубхона фондиди замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва тўлдирishга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Олмалиқ ТМК» АЖ, «Навоий КМК» ДҚ, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзйиқилмачмангилметалл» АЖ, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилин ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича қабул қилинадиган талабалар сони юзасидан тақлифлар киритиб борсин.

10. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда

— Васийлик кенгаши) шахсий таркиби 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига талабаларни, лекин Филиалга таълим олиш учун қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоиздан ортиқ бўлмаган ҳолда, давлат гранти асосида ўқитишга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадалларидан Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари;

халқаро молия институтлари грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Филиални ташкил қилиш, унинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий тадбирлари, жумладан, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориши, бино ва иншоотлари зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ҳамда лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ортехника, кутубхона фонди билан таъминлашни, шунингдек, «МИСиС» МТТУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини, Филиал маҳаллий ўқитувчиларининг стажировкаси ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш «Олмалиқ ТМК» АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) «МИСиС» МТТУдан Филиалга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш;

30 кунгача бўлган қисқа мuddатли хизмат сафари бўйича — Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий ўқув юртлари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узоқ мuddатли хизмат сафари бўйича — ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

12. Филиалга ўқитувчилик ва илмий ишлар учун тақлиф қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рухсат берилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Филиални сақлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИАЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, УЛАРГА ТАШХИС  
ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА–ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

олтинчидан, тиббиёт муассасаларининг, жумладан, Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг моддий-техник базаси, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланганлик даражаси аллергик касалликларга самарали ташхис қўйиш ва уларни даволаш имконини бермайди.

Ихтисослаштирилган аллергологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда илгор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

аллергология соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона марказлаштирилган тизимни яратиш ҳамда аллергик касалликларни эрта аниқловчи скрининг дастурларини барча жойларда босқичма-босқич жорий этиш;

соғлиқни сақлаш амалиётига илм-фаннинг ижобий натижаларини жорий этиш имконини берадиган биотиббиётнинг умумжаҳон ютуқлари билан боғлиқ ҳолда аллергология соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, аллергик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш;

аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармон воситалари, тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган буюмлар ва тиббиёт техникаси, жумладан, ташхис қўйиш ва даволаш аллерегнлари, реагентлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш даражасини ошириш;

клиник аллергология ва иммунология соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини

ошириш, бу соҳада етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, аллергология соҳасига грантлар ва инвестицияларни жалб қилиш, тажриба алмашиш мақсадида хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, аллергология соҳасини ривожлантиришга бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш.

2. Аллергик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аллергик касалликларни эрта аниқлаш учун 18 ёшга тўлмаган ва хавф остида бўлган болаларни 2019 йил 1 январдан 1 июлгача текшириш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда — бир марталик акция) эълон қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Белгилансинки, бир марталик акция оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида, шунингдек, мактаб ва мактабга таълим муассасаларига борган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг фаол иштирокида бепул асосда ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда «Соғлиқни сақлаш» тармоғи бўйича ҳар йили назарда тутилдиган бюджет маблағлари доирасида:

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг янгиланган ташкилий-штат тузилмасини ва таъсис ҳужжатларини тасдиқласин;

давлат тиббиёт муассасаларининг даволаш-ташхис қўйиш аллерегнларига бўлган эҳтиёжини аниқласин ҳамда давлат тиббиёт муассасалари

эҳтиёжлари учун ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш мақсадида уларни харид қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори-Дармон» АК ва Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб энг юқори бўлган даволаш-ташхис аллерегнлари давлат томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновация ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда аллергияга қарши дори воситаларини, профилактика рекомбинант аллергия вакциналарини, даволаш ва ташхис қўйиш аллерегнларини устувор равишда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тақлифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой мuddатда:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказида лаборатория амалиёти бўйича стандартларига (GLP) жавоб берадиган замонавий юқори технология ускуналар билан жиҳозланган клиник-иммунология лабораториясини ташкил этиш бўйича тақлиф киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий тиббиёт таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ва оқламаларини танқидий ўрганиш асосида:

Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида аллергология ва клиник иммунология кафедрасини ташкил этиш; 2018/2019 ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квотасини кўпайтириш;

2019/2020 ўқув йилидан «аллергология ва клиник иммунология» мутахассислиги бўйича магистратура йўналишини очиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида аллергологларнинг малакасини ошириш ўқув дастурларини такомиллаштириш;

аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган дори воситалари ва

учун бюджет маблағлари 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалда иккита автотранспорт воситасини, жумладан, битта хизмат ва битта навабчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3153-сон қарори билан тузилган, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита:

2018 йил 1 июлга қадар мuddатда Филиалнинг бино ва иншоотлари реконструкция қилинишини, шунингдек, Филиал талаба ва ўқитувчилари яшаш учун ётоқхона тайёрланишини;

2018 йил 31 августга қадар мuddатда Филиал жойлаштирилишини ва уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ортехника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мuddати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ҳамда Филиал буюртмаларига биноан Филиални ташкил қилишда ва унинг фаолиятида иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин.

19. 2019 йил 1 январга қадар мuddатда Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Олмалиқ саноат касб-хунар коллежи ходимларини ишга жойлаштириш;

Олмалиқ саноат касб-хунар коллежи ўқувчилар контингентини яқин бўлган тегишли касб-хунар коллежларига йўналиш(касб)лар бўйича жойлаштириш орқали уларнинг келгусида таълим олишини таъминлаш чораларини кўрсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В.Акмалов, А.С.Султонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазир И.У.Маджидов ҳамда «Олмалиқ ТМК» АЖ бошқаруви раиси А.Қ.Фармонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2018 йил 11 май



Ўзбекистон Қаҳрамони  
Мавлуда ИСМАТОВА

Мамлакатимиз халқ таълими соҳаси оғир жудолликка учради. Таниқли педагог, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова 2018 йил 11 май кун 75 ёшида вафот этди.

М.Исматова 1943 йил 7 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг тарих-филология факультетини таъсис олди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1968 йилда Тошкент туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан бошлаган синф ўқитувчиси сифатида бошлади. 1975-1979 йилларда ушбу таълим масканда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 1983 йилда у Тошкент шаҳрининг Юнусов туманидаги 273-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди ва умрининг охирига қадар шу даргоҳда самарали иш олиб борди.

М.Исматова 50 йилдан зиёд педагогик фаолиятини давомида ўзини моҳир ўқитувчи, ёшларнинг сеvimли устози, ўқув-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш, таълимий ҳаёт ва амалиёт билан уйғунлаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасида катта салоҳиятга эга бўлган билимдон мутахассис сифатида намоён этди. Ана шундай эзгу фазилатлари билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида кенг қўланилган илмий амалга оширишга, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

Фидойи педагог раҳбарлик қилган мактаб бир неча бор «Йилнинг энг яхши мактаби» сифатида эътироф этилган бўлиб, унинг педагогик тажрибаси мамлакатимиз микросида кенг ўрганилиб, оммалаштирилган.

Бой билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган М.Исматова жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, эл-юрт ўртасида катта обрў-этибор қозongan эди.

М.Исматованинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1995 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони, 1999 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони билан мукофотланган эди.

Моҳир педагог, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мавлуда Исматованинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ,  
Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ,  
У.ИНОЯТОВ, Т.АЗЛАРОВ



## Экстремистик фаолият:

профилактик тадбирлар, қарши кураш чоралари кучайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳалари Ўзбекистон ХДП фракциясининг мажлисида ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидландики, лойиҳа Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидаги вазифаларни қонун ҳужжатларида мувофиқлаштиришга ҳизмат қилади. Қонун лойиҳасига кўра, бир қатор қонунлар ҳамда кодексларга ўзгаришлар киритиш тақлиф этилмоқда. Масалан, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунга ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида биржа битими тўғрисидаги ахборотларнинг тақдим қилиниши билан боғлиқ қонунда киритиш масаласи илгари сурилмоқда.

Депутатлар фикрича, тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар орқали Ҳисоб палатасининг фаолияти тартибга солинади. Ҳужжатларда белгиланган асосий вазифалари ва йўналишлари бошқа қонунларда ҳам акс эттирилиши таъминланади.

Шунингдек, фракция аъзолари биринчи ўқишда киритилаётган «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилди. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида халқаро терроризм ва экстремизмнинг янги



Савкар ШОТЎРАҲОНОВ олган сурат.

таҳдидлари пайдо бўлаётган бир шароитда бу борадаги профилактик тадбирларни янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этётгани таъкидланди.

Шухрат МАМАЖОНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланмоқда. Мазкур ҳужжат орқали бугун бутун дунёни ташвишга солаётган иллатга, одамларнинг онги ва ҳаётини захарловчи ғоялар тарқатувчиларга қарши курашиш масаласининг ҳуқуқий асослари яратилади. Экстремистик гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш чоралари қўрилади. Лекин лойиҳа устида ишлаш, уни янада мукамаллаштириш талаб этилади.

Экстремистик фаолиятга қарши курашишда профилактика масалалари долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун қонуннинг номини ҳам қайта кўриб чиқиш керак, деб ўйлаймиз. Лойиҳада жумлалардаги ўхшашликлар, ноаниқликлар кўп учрайди. Улар тушунарли ва аниқ сўзлар

билан алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мухими, мазкур ҳужжат «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунни такрорлашга керак. Булар икки хил масала бўлиб, қарши кураш чора-тадбирлари ҳам бир-биридан фарқлиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Алия ЮНУСОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тўғри, мазкур қонунни қабул қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Аммо ундаги меъёрларни аниқ, раво, халқаро стандартларга ҳар томонлама мос шаклга келтириш лозим. Экстремизм глобал даражадаги масала бўлиб, қонун қабул қилинганда дунё ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортади, халқаро экспертлар муҳокамасида бўлади. Пухта ва сифатли қонун яратиш анчагина вақт талаб этади.

Фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасида айрим жиҳатлар ўзаро номуносиб бўлгани учун уни қайта кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайди. Экстремистик

фаолиятни чеклаш билан боғлиқ меъёрларни мантиқан мос келувчи жумлалар билан тўлдирish лозим. Давлат идораларига профилактик тадбирларни амалга ошириш юзасидан қатор вазифалар юклатилмоқда. Гап шу ҳақда кетганда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунга мурожаат қилиш талаб этилади. Қонун лойиҳасида қайси нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилиши аниқ кўрсатиб ўтилиши зарур, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, экстремистик гуруҳга алоқадор шахслар эмас, гуруҳлар ва ташкилотлар билан боғлиқ меъёрлар ҳам белгилашни лозим. Суд қарорига кўра экстремистик гуруҳ деб топилган ҳолатда қандай чоралар қўрилиши ҳақида аниқлик киритилиши керак.

Фракция йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Лойиҳада ногиронлиги бўлган шахсларнинг инжениерлик, транспорт ва

ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқисиз киришини таъминлаш масаласи асос қилиб олинган. Белгиланган талабларни баҳаришдан бўйин товлаганилик, шу орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилмоқда. Бу борадаги қонун ҳужжатлари маъмурий жавобгарлигини тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштирилмоқда.

Саттор РАҲМАТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ногиронлиги бўлган шахсларни фаол ҳаётга қайтариш, улар учун тўсқисиз муҳит яратиш долзарб аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан қараганда мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаймиз. Лекин унга айрим аниқликлар киритилиши керак. Масалан, пандусларнинг қандай бўлиши, қай йўсинда жойлаштирилиши билан боғлиқ меъёрлар ишлаб чиқилиши, ана шу асосида жавобгарлик турларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фракциямиз вакиллари қонуннинг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратилишини таъминлайди, деб ҳисоблайди. Уларни жамият ҳаётига фаол жалб этишга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида тан олинган халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишга олиб келади. Лойиҳадаги ноаниқликларни бартараф қилиш ва янада такомиллаштириш лозим.

Йиғилишда, шунингдек, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва қатор қонун лойиҳалари атрофича кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳалари бўйича фракция ўз позициясини белгилаб олди.

Ўз муҳбиримиз.

ТАКЛИФ, МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА

## «НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда

Ногиронлиги бўлган шахсларни нималар ўйлантрипти? Улар муносиб турмуш кечирини, ўқини, ишлаши учун қандай тўсиқларга дуч келмоқда?

Қонун пухта, мукамал бўлиши, самарали ишлаши учун ана шундай саволларга жавоб топиш талаб этилади.

Газетамизнинг ўтган сонларида ушбу масала бўйича қатор фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Бугун мавзунинг давом эттирамиз.

Эргаш НОРПУЛЛОВ,  
Ўзбекистон кўзи оғизлар  
жамияти раиси ўринбосари:

— Биз қонун лойиҳасига бағишланган турли тадбирларда, давра суҳбатларида катнашамиз. Аммо қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда масъул бўлган идоралар вакиллари фаоллиги сезилмаяпти. Тўғри, биз ўз тақлифларимиз, қарашларимизни баён қилишимиз мумкин. Аммо уларнинг ҳам ўзига яраша фикр-мулоҳазалари бор, албатта. Шунинг учун ҳамкор ташкилотлардан ўзаро фикр-мулоҳазалар қўтиб қоламиз.

Менда бир тақлиф бор. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиши керак. Намини пойтахтда, балки республика миқёсида бундай ташкил этиш лозим. Ушбу жиҳатлар ҳам қонун лойиҳасида ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Кўзи оғизлар учун брайль ёзувидаги адабиётларни, нашрларни кўпайтириш ёки уларнинг нархини мақбуллаштирувчи чоралар топиш керак. Масалан, айти пайтда чоп этилаётган брайль ёзувидаги журнал Тошкентда 100 минг сўмга

сотилса, Қорақалпоғистонга боргунча унинг нархи 200 мингга айланмоқда. Демак, бу масала, хусусан, почта хизматлари бўйича ҳам меъёр қонунда акс этиши керак.

Биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлик масаласини олайлик. Улар қайсида мактаб, коллеж, олий таълим муассасаси ёки бошқа бирор жойда ишлашдан қатъи назар, ёрдамчи қотибга эҳтиёж сезади. Ушбу масала ҳам қонунчиликда ифода этилса, деган фикрлар билдирилади.

Якка тартибдаги реабилитация воситалари ҳақида ҳам лойиҳада айтиб ўтилган. Хориж амалиётида кўзи оғизлар учун 15-20 турдаги реабилитация воситалари берилди. Афсуски, бу борада бизда ечимини кутаётган масалалар кўп. Хатто айрим мактабларда кўзи оғизларнинг ёзиши учун мўлжалланган махсус гриппор ускуна ҳам йўқ ёки етарли миқдорда эмас. Мана шундай қичик муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, ишимизни қонқарли, деб айтолмаймиз.

Айти пайтда хориж тажрибаси, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ўрганилган. Тез кунларда яна қўшимча тақлифларимизни ёзма равишда мутахассисларга топширамиз.

Дилноза СУЛТОНОВА,  
Ўзбекистон кўзи оғизлар  
жамияти аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг 12-моддасида реабилитация масаласи ифода этилган. Лекин реабилитация масаласига у қадар эътибор қаратилмаган. Яъни ижтимоий, руҳий ёки жисмоний ривожланиш учун янги ва кучайтирилган усуллар орқали комплекс чора-тадбирлар қўришга қаратилган хизматлар тартиби белгиланмаган. Ногиронлиги бўлган шахслар ўзининг ақлий, касбий қобилиятини рўйбга чиқариши учун қўшимча шароитлар яратилиши керак.

Шу мақсадда уларга маиший техника, ўқиш-ёзиш воситалари, овозли электротехника ускуналарини мослаштириш талаб этилади. Масалан, овозли микрофонли печлар бор. Ана шундай махсус воситаларни имтиёзли нархларда сотиб олиш учун алоҳида шохобчалар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, қонун лойиҳасида шахар йўловчи транспорт хамда темир йўл ва авиатранспортларидан фойдаланишда имтиёзлар кўрсатиб ўтилган. Мазкур меъёрни тўлдирish керак, деб ўйлаймиз. Яъни биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни етакловчи ҳамроҳларини ҳам бепул тарзда транспортлардан фойдаланишини назарда тутувчи қўшимчалар тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Бунинг учун хаво йўллари ва темир йўл акциядорлик компаниялари билан музокара олиб бориш, қўшимча йўловчи бепул хизмат кўрсатиш уларнинг меъёрлари, харажатларига мос келадими, йўқми деган саволларга жавоб олиш

лозим. Ёки етакловчи шахсга имтиёзли чегирмалар белгилаш билан боғлиқ тартиб жорий этилиши мумкин.

Жойларга чиқиб, ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқотлар ўтказилганда турли тақлифлар билдирилмоқда. Мисол учун, қаровга муҳтож бўлган кекса ёшдаги кишиларнинг нафақа пулларига қўшимча равишда моддий ёрдам ажратиш тартиби ҳам қонунда белгиланса, деишмоқда. Тўғри, уларга турли қўринишдаги маблағлар берилади. Лекин ҳар ойда маълум бир сумманинг белгиланиши орқали улар ўзларига қаровчи олиш имконига эга бўлади.

Қонун лойиҳасининг 34-моддасида ахборот-технологияларидан фойдаланиш тартиби белгиланяпти. Аммо унда эски усул қўлиб кетган. Яъни ахборотлардан фойдаланишда магнитофон ва тасмалар қўлланилсин, деб айтилмоқда. Ҳозирги кунда ҳеч ким улардан фойдаланмаслигини инобатга олиб, ушбу жумла «электроташуви», деб ўзгаририлиши керак.

Лойиҳанинг 37-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти кўрсатиб ўтилган. Лекин бунда ҳам имтиёзлар аниқ ифода этилмаган. Айтилик, адвокатура. Ушбу хизматнинг қайси йўналиши пулли, қай бири бепул қўрсатилиши ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Ёки бахона ташкилотлари, МҲЖлар бор. Коммунал соҳада ҳам қўллаб-муҳожаат ва тақлифлар бўлади. Масалан, ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий хизматларда ёки суддан тиббий экспертиза хулосаси олишда барча билан бир хил ҳақ тўлайди. Коммунал тўловларда компенсация эмас, имтиёзлар бўлса яъни эди, деган фикрлар ҳам билдирилмоқда.



Энг муҳими, қонун барча учун тушунарли ёзилиши керак. Қонун лойиҳасининг ҳозирги кўринишида эса сатр бошлари жуда кўп, узун. Бирини ўқиб, кейингисини яқунлагунча боши эсдан чиқади. Шунинг учун узундан-узқ жумлалар ўрнига қисқа, лўнда ва аниқ ёзилса, барча учун маъқул бўларди, деб ўйлайман.

Ғолибжон ИШЧАНОВ,  
Ўзбекистон ногиронлар  
жамиятидаги ЎзХДП бошланғич  
ташкilotи етакчиси:

— Биламизки, барча ногиронлар, кўзи оғизлар, қарлар жамиятлари ҳеч қандай субсидиялар олмайди, ўзини ўзи таъминлайдиган ташкилотлар ҳисобланади. Жамиятлар аъзоларини моддий таъминловчи восита уларнинг қошидаги қорхоналардир. Уларда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар учун давлат буюртмалари ҳам берилишини ис-тардик.

Шунингдек, қонун лойиҳасига жамиятлар учун жой ажратиш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилса, деган тақлифимиз бор. Тўғри, вилоятларда жойларга эгамиз. Лекин туман бўлимларида бу масала жуда муаммоли. Кўпчилик жамият раислари муҳим жойга эга эмас. Маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига имтиёзли равишда жой ажратиш юклатилса, ушбу масалага ҳам ечим топилган бўлар эди.


Қонун лойиҳасида олий таълим муассасаларида бепул таҳсил олиш қўрсатилган. Бунинг учун барчамиз беҳад хурсандмиз. Ногиронлиги бўлган шахсларда айрим ҳолларда иккинчи мутахассисликка ўқишга эҳтиёж туғилади. Шунинг учун иккинчи мутахассисликка сиртдан ўқиш масаласи ҳам қонун лойиҳасида акс этса, деган истаклар билдирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммолари иккита тоифага бўлинади. Масалан, ногиронлик аравачаси, пандуслар йўқлиги, тиббий хизмат кўрсатиш каби масалалар локал муаммолар дейилади. Яна бири эса тизимли муаммолар бўлиб, Президент фармонида кўра, янги қонун лойиҳасида ана шуларни ҳал этиш масаласи ўрин олиши лозим. Маълумки, тизим йўлга қўйилмаса, локал муаммоларни ҳал қилиб, яқунга етиб бўлмайди. Шунинг учун тизимни ўзгартириш, фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ тақлифлар илгари сурилмоқда. Ўйлаймизки, жамоатчилик томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, олиб борилаётган музокаралар қонун лойиҳасини мукамаллаштиришга хизмат қилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## БУЭНОС-АЙРЕСГА 15 ЛИЦЕНЗИЯ ТОШКЕНТДА БЕРИЛАДИ

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида спорт курашлари бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Мусобақада 21 давлатдан 400 нафарга яқин спортчи иштирок этапти. Қўтба чемпионатининг ҳар учта йўналиши: эркин, юнорум ва аёллар кураши бўйича ўсмирлар Олимпия уйинлари дастурига киритилган бешта вазн тоифасида ғолиб бўлган спортчиларга октябрь ойида Буэнос-Айрес шаҳрида ўтказиладиган III ёзи ўсмирлар Олимпия уйинларига йўлланма берилади.



Бугунга қадар юнорум кураши бўйича ўтказилган беллашувларда иштирок этган спортчиларимиз 1 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медалига сазовор бўлган бўлса, аёллар курашида Муножатхон Сомиева олтин медаль билан тақдирланди. Улар орасида — 60 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Асилбек Нематов Осиё чемпионлигини қўлга киритиш билан биргаликда, ўсмирлар Олимпия уйинлари йўлланмасига ҳам эга бўлди.

Шунингдек, қўтба чемпионлари-га олтин медаллардан ташқари, Осиё чемпионатлари тарихида ilk мартаба тақдирланган томонидан тайёрланган махсус чемпионлик камари топширилади.

Шахбоз САИДОВ

## ҲОКИМ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Миробод тумани ҳокими Шухрат Пулатов иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда тумани жорий йилининг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидagi режалар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда туман аҳолиси 134,5 минг кишини ташкил қилади. Шундан иқтисодий фаол аҳоли 70 мингдан ортиқ кишини, иқтисодиётда банд аҳоли 70 мингга яқин кишини ташкил этади.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида 250 га яқин кичик бизнес субъектлари очилди, 160 дан зиёд янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, — дейди Миробод тумани ҳокими Шухрат Пулатов. — 2018 йил туманимизни иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида бир қанча йирик лойиҳалар ишга тушди. «Болалар даволашиш тиббий маркази», «Замонавий диод ёриткичлар орқали ташқи ёритиш мосламаларини ишлаб чиқариш», «Кардиология маркази» ташкил қилиш лойиҳалари шулар жумласидандир. Хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган мажмур лойиҳалар ишга тушиши натижасида кўплаб иш ўринлари яратилади.

Матбуот анжуманида журналистлар тумандаги мавжуд муаммолар, ижтимоий ҳимоя, ёшлар масаласи каби ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

И.АХАТОВА,  
ЎЗА мухбири.

Иштиёқ бўлса, изланилса, астойдил меҳнат қилинса, томорқадан мўл ҳосил олиб, оилани обод, ҳаётни ширин қилиб яшаш мумкин.

## БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ, БИРНИ КЎРИБ ШУҚР ҚИЛ

Хоразм воҳаси кескин континентал иқлимга эга. Хоразмликлар томорқаларига уруғ қадашга киришган пайтда юртимизнинг бошқа вилоятларидаги деҳқонларнинг эртанги сабзавотлари бозорга чиққан бўлади.



## «БОҒДОР»ГА ЁКИ «ҚОВУНЧИ»ГА БИР КЕЛИНГ

Ҳазорасплик миришкорлар бутун воҳага ўрناк бўлишмоқда

Вилоятнинг энг чекка тумани — Ҳазораспда салкам икки юз эллик минг аҳоли истиқомат қилади. Туман боғбонларининг миришкорлиги бутун минтақада тан олинган. Машҳур «Карвак олмаси» фақат шу ерда — Карвак қишлоғида етиштирилади-да. Шириндан-ширин қовунларини айтмайсизми?

Бўстон қишлоғидаги «Қовунчи» маҳалласи қадимдан тилерар қовунлари билан дарёнинг ҳар икки қирғоғида танилган. Фермерлар ҳам, аҳоли ҳам бир парча ерга бўлсин, қовун экди.

Маҳаллада яшаётган тўрт минг нафардан зиёд аҳоли ихтиёрида 153,2 гектар томорқа бор. Шахсий томорқаларда салкам ўн саккиз минг туп кўп йиллик, турли-туман мевали дарахтлар парваришланади.

Мўъжас боғлардаги мевали дарахтлар оралиқларининг бирор қариши ҳам бўш турмайди. Бу йил ҳам маҳалла аҳоли қўлай фурсат келиши билан 4,2 гектар майдонга қарам, 30 гектар майдонга помидор, 10 гектар майдонга бодринг, 2,4 гектар ерга пияз ва турли кўкатлар экишди. Маҳалладаги саккиз хонадонда иссиқхона барпо этилган.

Дарвоқе, иссиқхоналар ҳақида гап кетганда, Саноат қишлоғининг «Бог-

дор» маҳалласида истиқомат қилувчи Қурбоновлар хонадонларини тилга олмасдан илоҳи йўқ. Чунки беш ака-уканинг ҳаммаси бир неча йилдан бери оилаларининг фаровонлигини шу иссиқхоналар орқали таъминлаб келмоқда.

Хайитбой Қурбонов томорқасида тўрт йил олдин тўрт сотихча майдонда иссиқхона қурган эди. Ўзининг айтишича, бир мавсумдаёқ барча кетган сарф-харажатларни қоплаган. Шундан сўнг иниси Сафарбой Қурбонов банкдан тўрт ярим миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона барпо этди.

— Иссиқхона кони фойда экан, — дейди тадбиркорнинг укаларидан яна бири — Олимбой Қурбонов. — Январ ойининг бошида иссиқхонага помидор уруғи сепгандик. Ортиқча ниҳолларни аллақачон бозорга чиқариб сотдик. Яъни баҳор бошланиши арафасида илк ҳосил кўтарилди. Яна бирор ҳафталарда помидорларимиз ҳам пишиб етилади. Помидордан бўшаган иссиқхонага учинчи ҳосил учун исталган сабзавотни экамиз. Қараб-сизки, бир мавсумда уч марта шу тўрт қадамчалик ер майдонидан хирмон кўтариб турибмиз-да! Рўзгоримиздан йил бўйи янги сабзавотлар

ўзилмайди. Бир қисми эл дастурхонини беэмоқда.

Иссиқхонанинг йиллик соф даромади билан қизиқамиз. Миришкор оға-иниларнинг фикрлари бир жойдан чиқади. Яъни эътироф этишларича, шу уч-тўрт сотихча иссиқхонада етиштирилган помидордан келган даромаддан бир ярим — икки мавсумдаёқ замонавий енгил машина харид қилиш мумкин экан.

— Туманимизда қирқ бешта маҳалла бор, — дейди халқ депутатлари Ҳазорасп туман кенгашидаги ЎзДП гуруҳи раҳбари Боғибек Қосимов. — Ҳозирда Бўстон қишлоғидаги «Қовунчи» ҳамда Питнак қишлоғидаги «Шехлар» маҳаллаларини намунавий маҳалла макомига етказиш учун дастур ишлаб чиқилган. Умуман олганда, бу маҳаллалар аҳолининг томорқаларидан тўлақонли фойдаланишларини бошқаларга ўрнак қилаяпти. Депутатларимиз, партияимиз фаоллари ҳудудларда бўлиб, хонадон эгаларига томорқадан тўла фойдаланишнинг самараси ҳақида аниқ мисоллар орқали тушуниришлар ўтказишмоқда. Бу иш албатта натижасини бермоқда. Айтмоқчиманки, биз «боқиманда» деб атайдиган оила ўз томорқасидан оқилонга фойдалана олса, бу ишда уларга ёрдам берсак, бир мавсумдаёқ ўзини

ўнглаб олади.

Партияимиз фаоли ибрат ўрнида эслатган «Шехлар» маҳалласида аҳоли зич яшайди. 7867 нафар маҳалла аҳоли ихтиёрида 234,4 гектар ер майдони томорқа ва қўшимча томорқа тарзида ажратилган.

Ушбу маҳалладаги томорқаларнинг бирор қариш майдони тўрт фаслда ҳам бўш турмаслигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Шахсий томорқаларда салкам саккиз минг туп кўп йиллик мевали дарахтлар парваришланыпти. Аҳолининг тасарруфида уч ярим минг бошдан зиёд йирик ва майда шохли чорва моллари, ўн икки ярим минг бош парранда, 55 кўти асалари бор. Ушбу чорва-ю парранданнинг ризқи ҳам айнан томорқалардан чиқади.

...Ҳазорасплик миришкорлар учун аллақачон баҳор фасли ортада қолган, негаки, воҳада айнан ёз фаслида пишиб етилиб, дастурхонимизга қўйиладиган, бозор пештахталарини тўлдирадиган сабзавотлар бу ҳудудда аллақачон пишиб етилган-да.


Ишонмасангиз, «Богдор»га, «Қовунчи»га бир келинг!

Рўзимбой ҲАСАН,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Жиззах шаҳрида перинатал маркази иш бошлади

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалига қарашли уч қаватли бинони реконструкция қилишга 5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Марказ 155 ўринга мўлжалланган. 40 ўринли ҳомиладорлар патологияси, катталар, чақалоқлар реанимацияси, қабул ва бошқа бўлимлар аҳоли хизматида.



Марказда оғир хасталиги бор аёлларга, вақтидан олдин туғуруқлар, асоратли туғуруқларга зарур ёрдам кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Муассасада 53 нафар шифокор, 296 ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Марказнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда махсус мебеллар билан жиҳозланиши оналар ва болалар саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш имконини беради.

Марказнинг очилишига бағишланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирати ўринбосари Э.Боситхонова, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Мухторова ва бошқалар тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ташкил этилган янги марказнинг баркамол авлод саломатлигини мустаҳкамлашда ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

— Марказ моддий-техник базасининг мустаҳкамлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширишга хизмат қилади, — дейди марказ раҳбари М.Қурбонова. — Замонавий технологиялар самарали перинатал парвариш қилиш, кенчиктириб бўлиладиган акушерлик ёрдами, болалар касаллиқларини интеграциялаш, чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси усулларини муваффақиятли қўллаш имконини беради.

Т.БЕКНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси mudiri Улугбек Идиоровга отаси Юсуф ИДИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзавтосано» акциядорлик компанияси ва «СамАвто» масулияти чекланган жамияти жамоалари «СамАвто» бош директорининг маслаҳатчиси, меҳнат фахрийси Баҳодир СУЛАЙМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

### РЕКЛАМА

## ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вактвые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислородовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогенераторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

## O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538. 11339 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 23:30.

Topshirilgan vaqti — 03:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Abdusolim MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5